

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА
ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№

450-355

Чортоқ тумани

Ҳинчўқ кўчалари

бўйича

(корхона, таъкилот, муассаса номи)

2022 йил

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2024 йил 05 01 450355 -сон

Чортоқ шаҳри
ТШ-ЭЭК номи

Электр таъминоти корхонаси

асосида фаолият юритувчи

раҳбари (тузилган шахар) (тузилган шахар) _____
К. Чучуков (кейинги ўринларда)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда _____ асосида фаолият

юритувчи Чортоқ тумани Корхонаси

раҳбари Ш. О. Козақов (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),

ҳисоб рақами _____ иккинчи томондан мазкур

шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИНИНГ ЙИЛЛИК ШАРТНОМАВИЙ ҲАЖМИ:

2.1. Энергия _____ кВт.с. реактив _____ кВт.с.

Актив _____ кВт.с. реактив _____ кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган қунидаги умумий нархи _____ сўмини, тариф (лар) бўйича _____

тариф турли: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан PQ-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган максимал

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий микдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинди, давлат қисёловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарорининг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув

истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молилаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соғларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соғлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соғларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкилотлар рўйхатида киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланмаган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугатилган сўнг қорхонанинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-илоҳасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали хар ойнинг “30” санасигача худудий электр тармоқлари қорхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун *янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келуси хисоб-китоб даври бошланишдан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фозлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишдан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамада 50 фоз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний

хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, хар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсул дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: *ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ХИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛ-ДАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги қарори*)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-илоҳага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланмаган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-илоҳага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (*6-илоҳаваларни реализация қилмаска эга ва технологик брояли истеъмолчилар тўловлари*)

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий хисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона истеъмолчининг хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олинган кейин, амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Корхона истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (манший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари қорхонасига белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойдан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияни жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талаблари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашини ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашни, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари микдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улushга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияни тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улushга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияни тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Ўзб.Респ. "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, Мақzur шартнома шартлари тузар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган оилавий корхоналарга ҳам тадбир этилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияни етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгарилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартриш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгаришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ хажмда етказиб бериламлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни қайтарилишни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш; электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келётган ниҳоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида ривож этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни таъминлаш, Корхонага электр хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона-фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва "Ўзэнергоинспекция" қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини қўздан кечиршига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманомана бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг)

технологик жараёни ишлаб чикариш эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва мамыурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истемолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истемол килинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истемолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истемолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истемолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, қорхонани хабардор қилиб Истемолчинини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАГа уланган ёки энергияга олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истемолчинини олдидан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узини.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истемолчинини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истемолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлини чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; уқуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истемолчинини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истемолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истемолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истемолчининг белгиланган тартибда қиритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини қўлайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – Истемолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истемолчида ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тетишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истемолчи” эга етказилган ҳақикий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истемолчини олдидан материал жавобгар бўлмайди агар:

Истемолчи электр энергияси истемолчининг белгиланган режимида ривож қилмай, электр энергияси истемолчи ёки қувватнинг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созулаш билан боғлиқ ўчиркишлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истемолчи олдидан моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истемолчинини электр энергиясидан узилганда ёки энггиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулоқда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истемолчини олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча қелишмовчилик ва низолар музоқара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Қелишмовчиликларни музоқара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар сул тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага қиритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдидан тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхала тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдидан хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақикий хисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирилар Маҳкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 – сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРИНИНГ МАНВИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Чортоқ туман йишлоқ хўжалиги бўйича

Юридик манзили Чортоқ шаҳри Мустақимлик ш. 40.

Хисобрақами 1000 228 8 0142 316 7042 860082 002

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 202290006

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондидини хисобрақами

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919

Бюджетдан ташқари фондидини хисобрақами

Банк коди (МФО) (ИНН)

ҚҚС тўловчининг коди

Телефонлар: Факс:

Кадастр № (Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уюли, факс телефонлари коди бил ёзилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД 8412

СООГУ

СОАТО

КФС

КОЛФ

ОКПО 16607164

КОРХОНА:

Почта манзили Чортоқ шаҳар, Мустақимлик шох кўча

Хисобрақами 22636000200510058349

Банк коди (МФО) (ИНН) 20048685

ҚҚС тўловчининг коди

Телефонлар: Факс: 41-21-183

Статистик кодлар:

СООГУ

СОАТО

Истеъмолчи:



М.У. Ялбаров, Истеъмолчи, Ф.И.О.

ХУКУҚШУНОС ХУДОСАСИ

Чортоқ хукукушуноси

М.У. Ялбаров, Чортоқ хукукушуноси

Чортоқ хукукушуноси

М.У. Ялбаров, Чортоқ хукукушуноси

Чортоқ хукукушуноси

М.У. Ялбаров, Чортоқ хукукушуноси

Электр таъминотининг шартномасига

I - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи II чиррақ
2. Фаолият тури Кўйилар
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг ўланган қуввати: 5 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват: 5 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича)
6. Хисоб-китоб тури: Бир ставкали

тариф тури: таъминоти берилган, бир ставкали енг 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган максималт ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар (керастиги ёзилми)

Йил, жами	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича	
Январ	1333		
Феврал	1222		
Март	888		
Апрел			
Май			
Июн			
Июл			
Август			
Сентябр			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			

Ташкилот кунига ишлайди 8 соат, ойда 26 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I , II , III

Истеъмолчи

Чортоқ хў

Чортоқ хў

Чортоқ хў

Чортоқ хў

Чортоқ хў

Чортоқ хў



Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб)Истеъмолчи"нинг ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив, номинал ток)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма колкоғилари рақами	Улчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури суи/ 1 кВт.с
				Ток	Кучланиш		
Диван шўх				220/380			450

Истеъмолчи:

Мортаз Ҳ26
О.Ҳозратов
(ИМЗО)



Имзолар:

Корхона:

В.Умаров
(ИМЗО)



Томонлар электр тармоқларининг балане мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДА.Ю.И.А.Т.НОМАСИ

Изоҳ; Ҳар-бир э.л.ҳисоблагичга алоҳида 3- ва 4-иловлар тузилди

Ҳисоблагич № _____ т/ток _____ кучланиш _____ коэффициент _____ улганган қуввати _____ кВт
Ҳисоблагичдан улганган манзил; _____ шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча, уй № _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____ $C=10$ _____

в) подстанциялар, трансформатор полстанциялари ТП № _____ кВА _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг балане бўйича мансублик чегараси _____

Шўха-Диван е ҳаво тармоқидан ТП-ни сўроқдан банд қилсизми

3. Улардан қуйидагиларга: _____

_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган "техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти қорхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____

Чегарадан сўроқдан банд қилиш шўха ва Диван мавжидан

Вакиллар:

Истеъмолчи

М.Ў.

Корхона

М.Ў.

О.Ҳозратов
(Ф.И.Ш.)

В.Умаров
(Ф.И.Ш.)

